



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB RAQOBATI
INV. №

Adolat

Ozbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va huquqiy gazetasi

1995 yil 22 fevraldan chiqarib boshlagan 2001 yil 6 aprel juma № 14 (301) sotuvda erkin narxda

• Тарихда ҳукмдорлар кўп ўтган. Уларнинг аксарияти ўз маишати ва айшу ишратидан нарига ўтмаганлиги маълум. Уларни бугун биров эсламайди ҳам. Бироқ миллат ғамида ёнган, унинг истиқболи ва истиқлоли йўлида фидокорлик кўрсатиб яшаган арбобни келажак ва тарих ҳеч қачон унутмайди. Амир Темур ана шундай тарихий ва унутилмас шахсдир.

Ислом КАРИМОВ.

ТАШРИФ НИХОЯСИГА ЕТДИ

ДРЕЗДЕН, 5 апрел.
Ўза махсус мухбири
Анвар Каримов хабар қилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ГФРга расмий сафарининг сўнгги кунини Дрездендаги «Мовий гум-баз» музейини томоша қилишдан бошлади. Бу музей дунёдаги энг бой маданият зоғоналаридан бири бўлиб, унда жуда кўплаб ноёб экспонатлар йиғилган. Давлатимиз раҳбари улар орасида, айниқса, Бобурийлар сулоласига мансуб экспонатни катта қизиқиш билан томоша қилди. Минглаб қимматбаҳо тошлар билан безатилган бу санъат асари тилла ва қумшудан ишланган бўлиб, унда Авраг-зеб хузуридаги қабул маросими акс эттирилган.

Ислом Каримов «Сименс» гуруҳининг «Инфонион» технологияси тармоқ компаниясига қарашли корхонаси фаолияти билан танишди. Бу ерда юқори технологияга



асосланган электрон жиҳозлар, асосан, компьютер, принтер ва шу каби ускуналар учун чип ва микрочиплар ишлаб чиқарилади. Бу жиҳатдан у дунёдаги энг замонавий корхоналардан ҳисобланади. Президентимиз компания раҳбарлари билан мулоқот чоғида Ўзбекистонда ҳам шундай корхона куриш учун етарли шароит ва мутахассислар борлигини айтиб, уларни бу имкониятдан фойдаланишга ундади. Шу кунги Германия-

нинг «Ман-Такраф» фирмаси давлатимиз раҳбари жойлашган «Кемпински» меҳмонхонасида ўзининг тақдирот маросимини ўтказди.

Шу билан Ўзбекистон Президентининг ГФРга расмий таширифи ниҳоясига етди. Мамлакатимиз раҳбарининг бу сафари жуда самарали бўлди. У турфа учрашув ва фойдали мулоқотларга бойлиги билангина эмас, балки фан-техника, автомобил транспортида юк ва йўлов-

чи ташиш, наркотик моддалари контрабандасига қарши кураш, банк иши, сайёҳлик соҳаларида ҳамкорликни кўзда тутувчи талай ҳужжатлар имзолангани билан ҳам икки мамлакат ўртасидаги аزالий алоқалар тарихидан мустаҳкам жой олиши, шубҳасиз.

СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ГФР вице-канцлери Йошка Фишер билан учрашув пайтида.

«СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ — 2001»

10-12 апрель кўналари Тошкентда «Соғлиқни сақлаш — 2001» халқаро кўргазмаси намоиш этилади. Кўргазмага бағишланган ўтказилган анжуманда сўзга чиққан Республика Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Марат Хожикбеков шу ҳақда маълум қилди.

— Анъанавий тусга кирган ва олтинчи марта ўтказилган кўргазмада рентгенология, ултраовуш ва компьютер томографияси бўйича таъхис ускуналари, лаборатория ускуналари ва жиҳозлари, тезкор тиббий ёрдам, жарроҳлик, қон куйиш, онкология, гастроэнтерология, эндокринология ихтисослари оид ускуна ва жиҳозлари намоиш этилади, — деди М. Хожикбеков. «Туркистон-пресс» мухбирига. — Кўргазма республикаимиз учун катта аҳамиятга эга бўлиб, у тиббий хизматнинг барча тизимларини такомиллаштиришга, янги технология ва дори-дармонларни амалиётда қўллашга кўмаклашади. Бунинг диққатга сазовор жиҳати шундаки, уч йилдан буён Ўзбекистон соғлиқни сақлаш давлат тизимида кенг меҳсондаги ишқотлар олиб борилаётди. Хусусан, соғлиқни сақлашнинг дастлабки босқичи мустаҳкамланиб, тезкор тиббий ёрдам тури барпо этилмоқда. Кишчок врачлик пунктлари алоҳида эътибор қаратилиб, улар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланилаётган. Айни пайтда мамлакатимизда бир ярим мингта яқин кишчок врачлик пунктлари фаолият кўрсатаётди. 2005 йилга бориб уларнинг сони 2600 тага етди. Ишқот янги талаблар ва андозаларни қўймоқда. Шу маънода тиббиётдаги янгиликлар билан танишувда ҳам кўргазма кўп келади, — деб таъкидлади М. Хожикбеков.

9 апрель — Амир Темур туғилган кун

«ЎТМИШ ОРҚАЛИ ОЛФА!»



Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин, Тошкент марказида Амир Темур хайкали ўрнатилганлиги бежиз эмас. Қўли билан истиқболга қорловчи шунқор чавандоз Темур тулпор отда ўтирибди. Ислом Каримовнинг фикрича, бу хайкал ўтмиш билан келажакнинг боғлиқлигини наънонади. Ўзбекистонда Темур ўзбек халқи тарихида бениҳоя муҳим роль ўйнаган атоқли давлат арбоби, буюк соҳибқирон сифатида эътироф этилади.

Темур ўз салтанатининг мукаммал давлат тизилишини яратган, етарлича пишиқ-пукта қонунлар тизимини вужуга келтирган. Унинг даврида ўша вақт учун улкан сугориш иншоотлари қурилган, ҳунармандчилик ва савдо-сотик, шаҳарлар қурилиши ва меъморчилик равнақ топган. Темур фавқуллода шахсий фазилатлар соҳиби — зўр иродали, довурак, ўткир зеҳли, ҳарбий ва давлат ишлари, бошқариш истаъдодига эга инсон бўлган. Ҳарбий тарихчилар Темурни энг буюк саркаралар жумласига қўшади.

Шу сабабли Президент Ислом Каримов ўзбекларнинг бой маънавий ва илмий меросини эътиборга олиб, ҳозирги Ўзбекистоннинг тарихий йўлини «Ўтмиш орқали олфа!» қондасига бинаон эълон қилди.

М. ГАФАРЛИ, А. КАСАЕВ, («Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик тараққиёти асоси» китобидан).

Партия ҳаёти

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Шу йилнинг 19 январида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси қошида «Ёшлар Кенгаши» тузилган эди. У ўзининг амалий ишларини бошлаб юборди.

Кўни-кеча бу Кенгашнинг мақсад ва вазифаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партиянинг ва Кенгашнинг энг фаол аъзолари иштирок этдилар.

Йиғилишда «Ёшлар Кенгаши» раисининг ўринбосари Шухрат Қудратов сўзга чиқиб, йиғилганларни кун тартибидagi масалалар

билан таништирди. Йиғилишда Ўзбекистон «Адолат» СДП «Ёшлар Кенгаши»нинг 2001 йилдаги иш режаси тасдиқланди. Тарғибот ишлари режалаштирилди. Хокимият органлари билан алоқани ривожлантириш юзасидан қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилди. «Ёшлар кенгаши» ўз йиғилишларини ҳар ойнинг биринчи душанба кўни соат 16.00 да ўтказиб боришни қатъий белгиллаб олди.

Гулнора РАХИМОВА, «Адолат» мухбири.

Шу йилнинг 15-17 май кўналари Тошкентда ўтказилган халқаро кўргазма ва анжуман «Ўзбекистон нефт ва газ соҳаси: хусусийлаштириш аҳволи ва истиқболлари» деб аталади. Республика Давлат мулк қўмитаси, Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳамда ИТЕ (Буюк Британия) компанияси унинг ташкилотчилари бўлиши.

Кўргазма ва анжумани муваффақиятли ўтказиш учун «Ўзбекнефтьга» миллий холдинг компанияси Ўзбекистон нефт ва газ соҳаси салоҳияти ва инвестиция лойиҳалари тақ-

димоти бўйича кўргазма экспонатлари ва материалларини тайёрлайди ва халқаро ташкилотларни тақлиф этади.

Мустақиллик йилларида республикадан суюқ углево-

дороларни қазиб олиш ҳажми уч бараварга ошди. Қўқдумалоқ, Алан, Урга ва бошқа қонлар тез суръатларда фойдаланишга топширилди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ва Андижон вилоятида газ сақлаш омбори барпо этилди. Бундан ташқари, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи

қайта таъмирдан чиқарилди, Шўртан газ-кимё мажмуи қурилиши эса ниҳоясига етказилган. Ўзбекистон раҳбарияти республикада нефт ва газ геология-қидирув ишларини қулайтиришга катта эътибор қаратмоқда. Қидириш ва текшириш ишлари самарадорлигини ошириш, угле-

водород хом-ашёси захирали текширилган ҳажмини қўпайтириш, бу соҳага чет эл инвестицияларини бевосита жалб этиш учун қулай шароитлар яратиш мақсадига ўтган йилнинг апрел ойида Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан «Нефт ва газ қонлари» разведкаси ва қазиб олиш

учун чет эл инвестицияларини тўғридан-тўғри жалб этиш юзасидан чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон имзоланди.

Қайд этиш керакки, мамлакатимиз нефт ва газ захиралига бой бўлиб, бу ерда бешта нефт-газ минтақаси мавжуддир. Устурт, Бухоро-Хива, жанубий-фар-

бий Хисор, Сурхондарё ва Фарғона минтақалари шулар жумласига қиради.

Ўзбекистонда геология-қидирув ишлари ва нефт қазиб олишнинг бир неча ўн йиллик даври учун олинган геология-гидрогеология материаллари натижалари буни тасдиқлаб турибди.

Айни пайтда қўлаб чет эл

«Туркистон-пресс».

«Прокуратура тўғрисида»ги қонун лойиҳаси — муҳокамада

Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритиши билан қўқар, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинди ва бу борада талай ишлар қилинмоқда. Конституция қабул қилингандан кейин «Прокуратура тўғрисида»ги қонунини 1992 йили 9 декабрда қабул қилиниши Президентимизнинг прокуратура органларининг ишларини янада мукаммаллаштиришга қаратилган тадбирлардан бири эканлигини далиллайди.

Республикаимизда қабул қилинаётган қонунларни тегишлилигига қараб, бозор муносабатларининг талаблари асосида қабул қилиниши, суд тизимига мустақил давлат ҳокимияти сифатида қаралиши амалга оширилаётган турли жаҳаллардаги иқтисодий, сиёсий, маънавий ва ҳуқуқ соҳасидаги, айниқса суд тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ тадбирлар амалдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг янги тахририни тайёрлаш заруратини вужуга келтирилганлиги давр талаби бўлиб қолди. Шу боис, Олий Мажлисининг II чакриқ тўртинчи сессиясида «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг янги тахриридаги лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди ва умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Ушбу мақолада лойиҳани тақдимоти қилишга қаратилган айрим мулоҳазалар билан танишасиз.

Амалдаги Қонуннинг 4-моддаси «Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари лойиҳада 3-модда қилиб тўғри ўрин алмаштирилган, чуқури қонунлиқ текшириш бўйича авалло Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, кейин эса прокуратура фаолиятининг асосий йўналиши берилди. Эндиликда лойиҳанинг 3-моддаси ҳам ичхам тушунарли берилган. Бу ҳуқуқий меъёрларда фойдаланишни осонлаштирди.

Лойиҳанинг 5-моддаси «Прокуратура органлари фаолиятининг асосий принциплари» деб номланиб, унда прокуратура органлари фаолиятининг асосий принциплари, қонунлиқ, одиллик, мустақиллик ва ошқоралик, деб кўрсатилган.

Бу тамойилларни асосли эканлигини таъкидлаш билан бирга айримларини, чуқури «ошқоралик» принципи ҳамда, айниқса жиноий ишларни тергов қилиш жараёнида тадбиқ этилавермайди. Шунинг учун «Қонунда кўрсатилган ҳолларда ошқораликка амал қилади» деб кўрсатилган.

Амалдаги Қонуннинг 120-моддасида ўз ифодасини топаётганлиги сабабли бу қисмининг чикариб ташлаш мақсадига мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Лойиҳанинг 7-моддаси «Прокуратура органларининг жамъдор вазифалари билан ҳамкорлигига бағишланган. Унда прокуратура органларининг қонунлиқлиги мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини жамъдорчилик билан ҳамкорликда олиб бориши кўрсатилган. Шу билан бирга прокуратура органлари ўзининг иш фаолиятида тергов сирларидан ва бошқа ошқор қилиб бўлмайдиган ишлардан ташқари, маънавий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан тегишли тадбирлар ўтказиш ва улар орқали ўз фаолиятлари ҳақида матботда, радио, телевидениеда еритаб туриш билан боғлиқ ишларни олиб бориш қонунларини бузилишини олдини олишга ва уларни тарғиботида қаратилган ижобий ҳаракатлар эканлигини алоҳида таъкидламоқчимиз.

Лойиҳанинг 8-моддаси 2-қисмидagi «Прокурорнинг талаблари устидан шикоят қилиниши уларнинг ижросини тўхтатиб қўймайди» деган қонундаги шундай «прокурорнинг» дегандан кейин «юқоридagi» деган сўз қўйиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бундай қўйишнинг киритилиши прокурорнинг бошқа талабларни қўйишнинг ва мансабинини суиистеъмол қилишнинг ол-

ҲУҚУҚ ВА БУРЧ

ларининг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест келтиришга ҳақли эканлиги ҳақида ҳам қўрсатилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди, деган фикрдамиз.

Лойиҳанинг 27-моддаси 1-қисмидagi «Прокурор қонунда назарда тутилган ҳолларда ишлар сулҳларда қўриб чиқилишида иштирок этади» деган ҳуқуқий меъёр берилган. Бу ҳуқуқий меъёрга қараганда прокурор фақат «қонунда қўзда тутилган ҳолларда иштирок этиши мумкин» деган ҳулоса келиб чиқмайди-ми? Бу қонунда, бизнинг назоратимизда, прокурорнинг вазифаларини «қўриб чиқилиш» олиб келади. Шунинг учун, Ҳуқуқроқ процессуал кодексига мослашган ҳолда «прокурор ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш лозими бўлган ҳолларда ишларини сулҳларда қўриб чиқилишида иштирок этади» деган маъмулда ўзгартирилса, прокурорнинг процессуал иштирок этиши оидини қўриқлаш, ишда иштирок этиш билан боғлиқ бўлган бошқа вазифаларни процессуал қонунлар билан тартибга солиниши қўриқлаш лозими.

Шу модданнинг 4-қисмидagi «Прокурор суд жараёнининг бошқа иштирокчилари билан тенг ҳуқуқда фойдаланиб» деган сўзлар ўз ифодасини топаган. Бу қонунда амалиётда тадбиқ этилиши, қонун талабларида кўрсатилган тарзда амалга оширилмоқда, деган савол туғилади. Назаримда бу қонунда амалиётда туғилган бу қонундаги ҳолатлар билан асослаш мумкин. Биринчидан, агар прокурор суд иштирокчилари билан тенг процессуал ҳуқуқлардан фойдаланмаса, суд қарор-

лари устидан протест келтириши, бошқа шахсларнинг эса, шикоят, ариза бериш ҳуқуқига эга бўлишини қандай изоҳлаш керак. Иккинчидан, прокурордан даъво аризаси учун давлат божини ўндирмаслиги уни процессининг бошқа иштирокчиларидан ҳам фарқлайди ва бошқалар. Шуларга қўра: «прокурор жараёнининг бошқа иштирокчиларига берилган ҳуқуқлардан ҳам фойдаланиб...» деган сўзлар билан алмаштириш мақсадга мувофиқ бўлади, деган фикрдамиз.

Юқоридagi модданнинг иккинчи қисмидagi «прокурор судда далил-исботларни ўрганишда иштирок этади, қонуннинг қўлланилишига доир ўз фикрини баён этади» дейилган. Бу қонуннинг маъмунига қараганда прокурор судда фақат далил-исботларни ўрганишда иштирок этиши билан чегараланиб қолгандай қўрилади, ваҳоланки прокурорнинг иш қўришда бошқа процессуал ҳуқуқлардан ҳам фойдаланиши шундан кўрилади. Шу боис ушбу қонундан бу модданнинг учинчи қисми билан қўшган ҳолда қуйидаги тахрирда берилиши тасвир этилади:

«Ишлар судларда қўриб чиқилаётганда иштирок этаётган прокурор ваколатларидан фойдаланади ва иш юзасидан ҳулоса беради».

Бу моддани шундай тахрирда берилиши бу ҳуқуқий меъёрни бирмунча иччамлаштиради.

Прокурорнинг иш юзасидан «ҳулоса» бериши ҳақидаги мулоҳазалар келганда эса, иш юзасидан Ҳуқуқроқ процессуал кодексига бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя

ЭЛГА, ЮРТГА ХИЗМАТ ҚИЛСАНГ...

Яқинда Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповни 60 йиллик юбилеи муносабати билан Оксаройда Президентимиз қабул қилган эди. Ушбу ҳаяжонли учрашувдаги бетакрор дақиқаларни қўриб, гоёт тўлқинландим. Учрашувда юртбошимизнинг ўз юрти, ўз халқига бўлган чексиз меҳру муҳаббатини яна бир бор намоён бўлди. Бундан руҳланиб, тўғулларимни қуйидаги сатрларга туширдим:

Ўзбекистон муаззам диёр,
Унга энди иқбол бўлар ёр,
Чуқки яхши инсонларига,
Бордир доим ҳурмат-эътибор.

Шу сўзларнинг зўр исботини,
Халқининг эзгу бир одатини,
Оксаройда бўлган қабулда,
Қўрдик шоир саодатини.

Файз-барокат ёғилган элда,
Ўзи қўлаб яратган Оллоҳ,
Бўлиб ўтган катта қабулда,
Ҳозир бўлди шоир Абдуллоҳ.

Юрт сардорни ҳамда қажрамон,
Хар биттаси ўзи бир қажон,
Даст кўтарди шоирни осмон,
Шоир қилди кўкни чарогон.

Юрт отасин улкан бағрида,
Ўзбекистон шоир қалбига,
Ўз отаси қучқандаг уни,
Бутун халқи қутлади уни.

Буюк шоир бошини қўйиб,
Йўлбошчининг тоғдай кўксига,
Қувран эди у тўйиб-тўйиб,
Табаассум балқиди нур юзига.

Боболари кўрмаган ҳурмат,
Насиб этди шоирга, не тонг,
Халқи учун қилар у хизмат,
Халқи учун фидодир жон, онг.

Халқ шоири улуг ўшида,
Бахт-иқболи порлаб қошида,
Катта оғру иззатини қўрди,
Камтарин қалб севинчга тўлди.

Кимки севса она юртини,
Эл ҳурмати қутади уни.

Абдували ГУЛОММАХМУДОВ,
техника фанлари доктори, профессор.

• Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига

АНДИЖОН ЁҒИ ХОРИЖНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

Бугун Андижоннинг таърифи узоқ узоқларга кетган. Зеро, вилоятда рўбб топган эзгу юмушларни қўриб қўз қувонади, диллар нурга тўлади. Шу боис андижонлик азамат пахтакорлар меҳнатига минг бора таъзим қилсак арзийди. Албатта, пахтачиликда ҳосилдорлик йил сайин ортиб бораётгани, режалар ошириб бажарилаётгани, ўз навбатида ёғ-мой корхоналарининг мўътадил ишлашига имкон бераётган.

Мамлакатимизда ёғ-мой саноати озиқ-овқат мажмуининг етакчи тармоқларидан ҳисобланади. Ўзбекистонда қадимдан ўсимлик ёғи кунжут, зир, масҳар, полиз экинлари уруғидан жувозларда ажратиб олинган. Хозирга келиб мамлакатимизда йиллик қуввати уч миллион тоннадан ортиқ хом ашёни қайта ишлайдиган ўн тўққизта корхона фаолият кўрсатмоқда. Тармоқда пахта, соя, рапс мойлари ва мева данаклари, сабзавот уруғларида олиниб атир ула, фармацевтика ва озиқ-овқат саноати тармоқларида ишлатиладиган ёғлар, маргарин маҳсулотлари, майонез, кир совун, атирсовун ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётган.

Аҳолини ўсимлик ёғига бўлган эҳтиёжини қондиришда, қорвачиларни озуқа билан тўлароқ таъминлашда «Андижонёғ-мой» ҳиссдорлик жамиятининг ўзига хос ўрни бор. Ҳиссдорлик жамиятида бўлсангиз, қайноқ меҳнат жабҳасини гувоҳи бўласиз. Утган йилнинг иқтисодий яқунларидан жамоанинг кўнгли тўқ. Ҳиссдорлар 69 минг 790 тонна қайта қайта ишлаб 11 минг 743 тонна қораёғ, 20 минг 975 тонна шелуха, 32 минг 767 тонна кунжара тайёрладилар. Ўн минг тоннага яқин соя қайта ишланди. 5 минг 395 тонна ҳўжалик совуни тайёрланди. Жорий йилнинг икки ойида амалга оширилган ишлар ҳам салмоқли бўлди. Янги асрининг дастлабки икки ойида 9030 тонна чигит қайта ишланди, тегишли микдорларда қораёғ, кунжара, шелуха ва ҳўжалик совуни олинди.



бўйи чигит экиб пахта етиштирган ҳўжаликлардаги бобдорхонлар эса бир грамм ҳам маҳсулот ололмади чапак чалиб қолаверарди.

Бекиёс жасорат соҳиби, эли юрти фидойиси, муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов мустақиллигининг дастлабки йиллариёғ ёғ-мой корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни ҳўжаликлар иҳтиёғига бериш ҳусусида қатъий фикр билдиргани айтиш мумкин бўлди. Мамлакатимизда бозор муносабатлари йўли танланганлиги корхоналарни ривожлантириш омили бўлди. 1993 йили дистерланган ёғ қислоталари олунчи янги замонавий ускуналар билан жиҳозланган цех фойдаланишига топширилди. Технологик жараёнларни жалари олинди.

хоннинг илғор андозалари даражасига олиб чиқиш, асбоб-ускуналарга муносабатни яхшилаб, ўзимники деб қараб, уларнинг умрини узайтириш йўлидан борилади. Германиянинг «СКЕТ» фирмасида тайёрланган юқори унумли роторли экстрактор ўрнатилди. Бу эса ўзининг иқтисодий самарасини берди. Узоқ йиллар давомида корхона иссиқлик энергиясини гидролиз заводидан олишга мажбур бўлган. Корхонанинг эса ўз навбатида шу заводга шелуха етказиб беришдан бошқа илоҳи қолмаганди. Албатта, бундай мажбурий ҳамкорлик жамоани ривожига салбий таъсир кўрсатар эди. Бу номақбул «тажриба»дан воз кечилди. Юқори қув-

макон Ўзбекистонимиздан минглаб километр узоқлардан ташир буюриб, ўзбек халқини қўлаб қувватлаётган, жаҳонда ўзига яраша ўрни ва мавқеи бор ишбилармон доиралар ҳамкорлик қилишга астойдил интиломдорлар. Юртбошимиз қайта-қайта таъкидлаганларидек, хорижликлар билан ҳамкорлик ўрнатиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш энг мақбул ва иқтисодий самара берадиган йўлди. Республика «Ёғмойтамаксаноат» уюшмаси, вилоят ҳокимлиги ҳамда ҳиссдорлик жамияти раҳбарларининг сай-ҳаракати билан энг юқори унумдорлигини таъминловчи, дунё андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқарувчи қўшма корхона барпо этиш госяи ҳақиқатга айланди. Ҳиссдорлик жамияти қошида «Андижон Фларуп Ойл компани» Ўзбекистон - Америка - Бельгия қўшма корхонаси таъсис этилди. Таъсис жамғармаси 966 минг 640 Америка долларини ташкил этди. Америка қўшма Штатларининг «Упланд Энтэрпрайз» ҳамда Бельгиянинг «Фларуп АВ» компаниялари шерикчилигида барпо этилган қўшма корхона Германия ва Франциянинг энг замонавий технологияларига асосланган бўлиб, йилига 12,4 минг тонна техник ёғни истеъмол ёғига айлантириш қувватига эга.

Чикитсиз технологияга асосланган мазкур қўшма корхонада тайёрланаётган пахта ёғи ранглилик даражаси бўйича дунё андозаларидан ҳам юқори туриши эътироф этилганидан қувномай бўладими?

Бир литрли идишлар тайёрлаш, ёғни қўйиш, ёрлик ёпиштириш ва қадоклаш дастгоҳлари ишлаб турибди. Доғлаш қурилмаси бир суткада қирқ тонна ўсимлик ёғини қайта ишлаб, юқори сифатли истеъмол ёғига айлантириш қувватига эга. Энг муҳими, экология жиҳатидан анча тоза бу ёғ ҳар қандай истеъмолчини ўзига жалб этаётган.

Қўшма корхонанинг иқти-

содий самараси юқори. Маълумки, Андижонда икки-ёғ-мой корхонасида йилига 10-12 минг тонна атрофида техник мой ишлаб чиқарилади. Техник мойнинг баҳоси унчалик баланд эмас. У фақат хом ашё сифатида ноозик овқат маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ишлатилади, холос. Қўшма корхона ишга тулиши шарофати билан манфаатдорлик ортди, вилоят аҳолисининг ўсимлик ёғига бўлган эҳтиёжини тўла-тўқис қондиришда муҳим аҳамият касб этди.

Корхонада қирқ нафар киши меҳнат қилади. Бу ерда ишловчилар хорижлик мутахассислар томонидан ўқитилган. Уларнинг ўртача ёши йигирма тўртда. Ҳатто, уларнинг ишбилгувчилиги, ўқуви ва иқтисодий чет эллик мутахассислар томонидан эътироф этилганлиги алоҳида таъкидлаш ўринли. Қўшма корхонада ўтган йил якунларига қўшма 756 миллион 375 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда аҳолига икки миллиард сўмликдан зиёд сифатли ёғ маҳсулотлари етказиб бериш йўлида астойдил ишланаётган.

Қайсики жамоада ишчи хизматчиларни иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш яхши йўлга қўйилса, ушай ҳам бароқ бўлаверади. Бу ерда жамоани тўлиқ сақлаб қолишни устувор вазифа деб биладилар. Қўшимча ишчи ўринлари яратиш, камроқ ҳаражат қилиб кўпроқ даромад олиш, хом ашё, электр ва иссиқлик энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилган ҳам самара бераётган. Корхона қошида нонвойхона, пойабзалларни таъмирлаш, тикув, соя донидан турли хил озиқ-овқатлар ишлаб чиқариш цехлари фаолият кўрсатаётган. Корхонада олиб борилаётган кенг қўламли ишлар қурилиш бригадаси зиммасида. Бетон тайёрлаш цехида тайёрланган маҳсулотнинг корхона эҳтиёжидан ортигани сотувга чиқарилаётган.

Корхона маъмурияти би-

лан касба уюшма қўмитаси ҳамиша ҳамкорликда иш олиб боришаётган. Меҳр ва қадр бор жойда фойз барака бор. Аҳолининг муҳтож табакаларини ҳимоялаш жуда намунали йўлга қўйилган.

Утган йили 66 нафар ишчи хизматчи «Кўксарой» дам олиш масканига, уч нафари «Чортоқ» ва «Наманган» - Шанхад» сўхатгоҳларида, бир нафари эса «Зилол» санаторийсида дам олиб, саоматликлари тиклаб қайтдилар. Андижон шаҳар клиникасида 49 нафар ишчи хизматчи корхона ҳисобидан даволанди. Утти этти нафар уруш қатнашчиси ва ногиронларига байрам дастурхони ёзилиб, ҳар бирига беш минг сўмдан мукофот пули

таъмирланди. Ўнлаб болалар боғчаси тарбияланувчиларига янги йил совғаси улашилди.

Корхонада ишчилар учун тиббий даволаш пункти мунтазам ишлаб турибди. Бу ерда икки нафар шифокор ва икки нафар ҳамшира, бир тиш даволочи шифокор ишчилар хизматда. Корхонада бепул сўт берилаётган.

Темирйўл бўлими машинисти Муҳторжон Мўминовнинг фарзандини даволатиш учун кетган 151 минг сўм ҳаражати корхона ўз зиммасига олди.

Ишчилар учун иккита ошхонада мазали ва арзон таомлар тайёрланаётган. Бу ерда амалга оширилаётган хайрли ишларни санаб адо-дига етиб бўлмайди. Савоб

берилди. Саккиз нафар биринчи гуруҳ ногиронига ҳар байрамда корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар туҳфа этилаётган. Корхонада ишлаб нафақага чиқиб, қариллиқ гаштини сураётганлар ҳар байрамда мунтазам йўқлаб турилади. Агар уларнинг каломига қўлоқ тусанлар, бодончилик, покизалик ва тартиб-интизомни қўриб қўйишнинг гувоҳи бўласиз.

Айниқса, биринчи гуруҳ ногирони - нафақахўр Павел Громадининг қалб сўзлари юракларни тўлқинлантиради. Унга нархи олтимиз беш минг сўмлик ногиронлик аравачаси ҳадя этилди. «Наврўз» байрамида тайёрлов цехи ишчиси Маҳмуджон Тиллабоевнинг қувончи чексиз бўлди. Унинг никоҳ тўйини жамоа ўтказиб берди. Уйи корхона ҳисобидан

ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак деган ҳикмат ҳиссдорлик жамияти раҳбарлари учун ширга айланган.


Ҳа, корхонага ўн йил аввал келган одам, бугун бир бор қадам ранжида қилса, бу ердаги замонавий бинолар, ободончилик, покизалик ва тартиб-интизомни қўриб қўйишнинг гувоҳи бўласиз. Бунинг барчаси мустақиллик ва мустақил юртнинг фидойи раҳбарлари шарофатидандир. Албатта, корхонадаги бундай ўзгаришларни амалга оширишда ҳар бир сўзининг тошу тарозиси бор, иқтидор ва билими қучли, соҳоватли ва фаросатли, қўнчилик манфаати йўлида ўз халоватидан кеча олади, ота-онаси ва элнинг дуосини олган, юртига ва юртбошимизга садоқатли ин-

сон, ҳиссдорлик жамияти раиси Абдувоҳид Сотибодиёвнинг хизматлари беқиёс. Мана у салкам чорак асрдикки ёғ-мой саноатини ривожлантиришга муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган. Ўзининг бутун билими ва салоҳиятини, «Андижонёғ-мой» ҳиссдорлик жамиятини ривожлантиришга, моддий техника базасини мустаҳкамлашга, илғор чет эл тажриба ва технологияларини корхонада жорий этишга сарф этиб келаётган. У фаолияти давомида ўнга яқин чет мамлакатларда бўлиб, у ерда тулланган илғор тажрибани илғаб келиб Андижонда жорий этишга оdatланган. Қатъий интизомни талаб қилиши, сўз билан иш бирлигини таъминлаши корхона равақига хизмат қилаётган. Ҳа, одамларни савобли ишларга бошлаш, жамоага етакчилик қилиш, бозор иқтисодиётининг оғир синовларидан олиб ўтиш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди.

Қайсики раҳбар корхонасининг тарихини қадрласа, у ерда жонини ҳаб-борга бериб ишлаб, ўтган фидойиларнинг руҳини шод этса ундайлар ҳеч қачон кам бўлмайди. Ҳиссдорлик жамиятининг мухташам маъмурий биносининг - биринчи қаватида корхона тарихига оид шундай музей ташкил этилганки, яхшиси минг бора эшитгандан бир бора кўрган афзал. Андижонга йўлнинг тўлиши шундай музейга бир таширф буюриб, афсусланмайсиз. У ерда корхона тарихи билан боғлиқ қимматли маълумотлар билан танишасиз. Шундай музей ташкил этганлар ҳақида дуолар қиласиз...

Бу даргоҳда янгилиниш, ривожланиш жараёни давом этаётган. Ҳа, буларнинг барчаси мустақилликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни буюк келажини яратиш йўлидаги хайрли ишлардир.

Дилмурод КИРГИЗБОВ,
«Адолат»нинг махсус мухбири.



«Андижонёғ-мой» ҳиссдорлик жамияти фаолиятдан лавҳалар.

Бугун Сирдарёга борсангиз уни тамоман танийолмай қоласиз. Чўлу биёбонлар ўрнида ташкил топган Гулистон шаҳри, унга туташ туманлар гўёки азал-азалдан шундай гўзал ва бетакдор кўринаверади. Кўпни кўрган отахон онахонлар билан суҳбатлашиб қолсангиз тилларидан бол томиб, бу ерларнинг кейинги 4-5 йил ичида шундай гурқираб, ривожланиб кетганини айтишади.

Хўш, сирдарёлик автойўловчиларнинг ютуғи нимада? Биз шундай савол билан «Сирдарё-автойўл» давлат акционерлик бирлашмасига таширф буюрдик. Гулистон шаҳридан чиқаришда катта йўл ёқасида жойлашган бу ташкилотнинг дарвозасидан қадам қўйишимиз билан бу ерда иш қўнғилимидек ташкил этилаётгани кўнглимиздан кечди.

Хар бир жамоанинг камолотида, ютуғ ва равангликда қимларинингдир алоҳида ҳиссаси бўлади. Биз бу ўринда бутун бир жамоанинг ютуқларини айрим одамларнинг ҳиссасига йўғирмоқчи эмасмиз. Аммо қўнчилиқка бош бўлишимиз, араваини тортишимиз ўзи бозорнинг бир-иккита дадиллар келтирмоқчимиз.

«Автойўл» тизимида камолат етган, унинг паст-баландини чуқур ҳис этадиган, соҳанинг ривож ва раванқини ўн жонини ҳам аямайдиган Назир Шосаидовнинг бирлашмага раҳбарлик қилаётганлиги 14 йилдан ошди. Тўғри, бу тарих учун унчалик катта фурсат эмас. Аммо қимнинг қимлигини англашга йиллар эмас, баъзан қуларнинг ўзи етади. 1972 йилдан бундан шу соҳага бор би-

Ислоҳот ва самара

яти Янгийўл шаҳриники билан ҳам тенг келмайди. Демак, ҳамма нарса интилиш, изланиш, бу борада янги имкониятларни ишга сафарбар этишга боғлиқ. Сирдарёда ҳам автойўлчилар кейинги йилларда кўп нарсанинг «солини ўзидан» чиқаришмоқда. Бу ҳақда 37 йилдан бундан берилашда меҳнат қилиб келадиган раис муовини Ҳайитбой Хошимуродовнинг фикрларига бир эътибор берилайлик: - Йўлнинг тежаси ва раванқлиги унга бўлган эътиборига эмас, мустаҳкам

тирилган 524 километрли йўл тўла таъмирланди. Янги йўл белгиларини қўйиш, бетон тўсиқлар ўрнатиш соҳасидаги ишлар ҳам тўлиқ адо этилди. - «Автойўл» тизими давлатимиз сисбатининг асосий йўналишларидан бирига айланди, - дейди бирлашма раиси Назир Шосаидов.

Зеро, бу бор гап. Бугун автойўл яратётган имкониятсиз республикамизнинг беқиёс ривожини тасаввур этиш қийин. Аммо ҳар кимда ҳар қандай тушуна бўлиши учун йўлларимизнинг ўзига синчков нигоҳ билан қарашининг ўз қиёфа қилади. Юртбошимиз бу соҳага алоҳида

эътибор билан қарамокда. Ишга туширилаётган ишчилар юртимиз истикболи учун хизмат қилаётган. Шу ўринда бир нарсани эътироф этмаслик адолатдан эмас. Йўл - дил, инсоннинг бир-бирини англаш, қалби ва дилини бирлаштириш, умуман беқиёс таъқибнинг пойдеворидир. Бугун биз сирдарёлик автойўлчиларнинг юртимиз истикболи, раванқини йўлида қилаётган ишларига тўхталдик. Имкониятларни излаб топиш, ишлаб чиқаришга сафарбар қилиш жамоа учун юксак шароф. Бирлашма раиси Назир Шосаидовнинг қўлини «Дўстлик» ордени бе-заб турбди. Ватанимизнинг бу юксак мукофоти жамоани янги ютуқлар, марралар сари руҳлантиришмоқда. Назир Шосаидовнинг алоҳида сай-ҳаракатлари билан 1995 йили Сурхондарёдан Калифорния тарафининг 2 минг донна қаламчаси олиб келиб ўтказилган эди.

Бугунги кунга келиб автойўл вилоятида 50 минг тўп қаламча етказиб бермоқда. Яқин истикболда эса ун 300 минг доннага етказиш мўлжалланган. Бу Сирдарёга автойўл орқали очилган янги имконият демакдир. Янги йўл бўлирида яшил қўлақамор майдончалари барпо этиш, бог-роғлар яратиш жамоанинг айни мўлдасига айланди. Хуллас, автойўлчиларнинг сирдарёча тажрибасини ўрганмоқчи бўлсангиз Гулистонга бориш. Кенг ва раван йўллар сизни ўз бағрига олади.

Каримжон РИХСИЕВ,
«Адолат» мухбири.

НУРАФШОН ЙЎЛ

ни ишга сафарбар қилиш, ва албатта пировард натижа учун қўриқлиш мўҳим тамойилга айланган.

Тўғри, ҳамма нарсани жамоа ҳал қилади. Аммо бунинг учун раҳбар узоқни кўрабилиш, жамоа манфаатлари учун сидқиқидилдан жон қўйдириш ишлари керак. Назир Шосаидовнинг қўнчилиқнинг эътиборига тушган жиҳати ҳам шунда. У билан суҳбатлашсангиз жонанжор юртимиз учун йўл қурилиши қандай улкан аҳамият касб этганини ҳис қиласиз. Сирдарёнинг имкониятларини бошқа вилоятларники билан тенглаштириб бўлмайди. Нимага дерсиз? Вилоятнинг ўзидан йиғилганган йўл солиғи ҳатто, Ташкент вило-

яти Янгийўл шаҳриники билан ҳам тенг келмайди. Демак, ҳамма нарса интилиш, изланиш, бу борада янги имкониятларни ишга сафарбар этишга боғлиқ. Сирдарёда ҳам автойўлчилар кейинги йилларда кўп нарсанинг «солини ўзидан» чиқаришмоқда. Бу ҳақда 37 йилдан бундан берилашда меҳнат қилиб келадиган раис муовини Ҳайитбой Хошимуродовнинг фикрларига бир эътибор берилайлик: - Йўлнинг тежаси ва раванқлиги унга бўлган эътиборига эмас, мустаҳкам

БУ — ЎЗБОШИМЧАЛИК ЭМАСМИ?

Замоннинг зайли билан тадбиркорлик, ишбилармонлик турмуш тарзинининг асосий мезонига айланди. Мустақиллигининг илк йиллариданок бу соҳаларга кенг йўл очиб берилди.

Ушай пайтларда, яъни, 1992 йилнинг 25 апрелидаги Ўзун тумани ҳокимияти қарорига мувофиқ «Обизаранг» дарёси бўйидаги ташландик ернинг 30 сотихини ўзлаштириб, «Фахрийлар чойхонаси»ни қуриб ишга туширган эдим. Бундан қарангки, шу ерлик Абдуваҳоб Абдурахимов ҳеч қандай рухсат олмай қонуннинг равишида чойхонанинг рўпарасига савдо дўкони қуриб, ишларимизга ҳаёлат бера бошлади. Чойхонамиз ўз номи билан фахрийлар чойхонаси. Қолаверса, бу ерда шу ердан ўтган-кетганлар ҳам бир оз дам олиб, бир пиёла чой ичиб кетишади. Йўл чарчогларини ёзишда. Бирок ўзбошимчилик билан қурилган савдо дўкони чойхонамиз қўрғига доғ бўлиб тушмоқда. Ушайда Ўзун тумани ҳокимлиги ўзбошимчилик билан қурилган тармоқларни тартибга солиш керак деган тўхтамга келди. Қолаверса, Абдуваҳоб Абдурахимовга «Чўкур бозор»дан бир пайтлар дўкон учун жой ажратилган, бу ерда у савдо ишга бошлаган. Кейинчалик бу жойни Абдуваҳоб сотиб юборди. Чойхонамизнинг рўпарасидаги ерни қонунсиз равишда эгаллаб олди. Катта йўл бўйида атиги бир метрик оқик жой қолдириб дўкон қурди. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг «Автойўл йўллари тўғрисида»ги қонунининг 16, 23-моддаларига бу қурилиш тамоман зиддир. Ўз навбатида Ўзун тумани ҳокими ҳам бундай қурилишларга чек қўйиш мақсидида 1995 йилнинг 1 июнида 302 сонли қарорини чиқарган. Қарорга мувофиқ аҳоли зич жойлашган йўл ёқаларида ҳар қил қурилма ва шахсий дўконлар қури-

ши маън этилган. Қолаверса, бу борада тузилган комиссиянинг ҳулосасига қўра ўзбошимчилик билан қўрган дўконини Абдуваҳоб Абдурахимов ўзи бунди, қилган, хатосини тўғрилаш керак эди. Аммо, гап бору натижа йўқ. Хўш, бундан мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари беҳабарми?

Ўзун тумани ҳокимлиги назорат боти инспектори Ш. Жалилов ва туманининг бош меъмори Ш. Шоймардоннинг Сурхондарё вилояти ҳокимлиги назорат бўлими бошлиғи Х. Муҳаммадиева йўллаган хатиди шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 26 апрелидаги «Архитектура ва қурилиш соҳасидаги ишларни ташкил этиш ва назоратни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси «Обизаранг» дарёси қирғонда Абдуваҳоб Абдурахимов томонидан 30 квадрат метр жойга ўзбошимчилик билан савдо дўкони қурилган. Ж. Пирназаров номли ширкат ҳўжалиги, Маландиён кишлоғи ҳўудидида фуқаро Алишер Норкулов йўлини тўсиб ўзбошимчилик билан иморат қурилганлиги аниқланган, улар тўғрисидаги маълумотлар ҳўқуқни муҳофаза қилиш идораларига тақдим этилган».

Афсуски, бу сайи-ҳаракатлар ҳали-ҳалигача самарасини бермапти.

Раҳматилло ота
МАТКОДОВ,
Сурхондарё вилояти,
Ўзун тумани.

Илҳом ШЕРМУҲАММАД.

Қонун устуворлиги йўлида

«ПРОКУРОР ЁРДАМ ҚИЛДИ»

Фарғона вилояти Данғара тумани прокуратураси фаолиятини бир лавҳа

Утган йилнинг май ойлари эди. Тахририят топшириғига кўра туман прокурори ҳузурига кирмоқчи бўлди. Шунда оstonада «Юнусов И. фермер ҳўжалиги раҳбари Иномжон ака Юнусов билан юзма-юз келиб қолдик. Кейинги ннҳоятда чоғ, руҳи тетик. Гапнинг тўғриси прокуратура идоралари олдига қўпроқ ташвишли кнйфатда ўтирган кишиларга қўзимиз тушади. Босин, кимдир ноҳақ жабр кўраётганлигидан шикоят қилгани келган бўлади, кимдир жиноят устида қўлга тушган фарзандига енгиллик беришларини сўрайди. Шунинг учун Иномжон аканинг хурсандчилиги сабабини билгим келди.

Отасига раҳмат прокуроримиз ёрдам қилди, деди у оғзидан бол томиб. — Узим яқин бир йил сарсон қилишган эди. Охири тоқатим тоқ бўлиб ариза билан прокуратурага мурожаат қилдим. Мана, 15 кунда ҳал бўлди. Олдинроқ келсам бўларкан.

Шу ўринда Иномжон аканинг прокуратурага мурожаат қилганига қадар бошдан кенчган «саргузаштлари» билан мўҳтарам ўқувчиларини ҳам бохабар қилиш жойизга ўхшайди.

...Истиклол шарофати туфайли «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги қонун чиққан Иномжон аканинг ҳам ҳаловати йўқолди. Фермер ҳўжалиги ташкил қилсам, — ўлайди у. — Секин-аста қорва бош сонини қўпайтираман. Давлатга ҳам фойда, ўзимга ҳам.

Хуллас, 1994 йилнинг 11 мартда туман ҳокимининг қарори билан «Ишонч» ширкат ҳўжалиги тасарруфига қорвачилик йўналишида «Юнусов И» фермер ҳўжалигини ташкил қилди. Халқимизда мусулмончилик аста-секинчилик билан, деган гап бор. Дастлаб 15 шартли бош қорва билан иш бошлади. 1999 йилга келиб эса қарамондаги шартли бош қорва 39 тага етди. Шундан сўнг Иномжон ака туман ҳокими ва ширкат ҳўжалиги раисини номига 27 сентябрда хат билан мурожаат қилди. Хатда «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги қонунда ҳар бир шартли бош қорва учун камиди 0,3 гектар ер ажратилиши кераклиги, ҳозир иштиёридаги беш гектар майдонда етиштирилган озуқа билан моллар нормадангага боқиб имконияти бўлмаётганлигини айтиб қонунга кўра ана 7 гектар ер ажратиб беришларини сўради. Ачанагина оворагарчилик, югур-югурдан сўнг орадан қарийб уч ой ўтгач, ниҳоят ҳокимнинг биринчи ўринбосари М. Нурматовнинг имзоси билан жавоб хати олди. Унда жумладан шундай дейилган эди.

«Сизнинг фермер ҳўжалигингиз 2000 йил январь ҳолатига статистика органларига берган молларнинг шартли бош сонларини ҳисобга олиб, туман комиссиясининг ҳулосасига асосан фермер ҳўжалигингизга қўшимча ер январь ойининг биринчи ўн кунлигида бериладиган бўлди».

Хайрият, — деди Иномжон ака енгил нафас олиб. Лекин хурсандчиликка эрта экан. Орадан бир ой ўтса ҳамки ердан дарак бўлмади. Шундан кейин ана ҳокимиятга борди. Биринчи февраль кунини туман ҳокими ҳўжаликка қўшимча 4 гектар ер ажратиб тўғрисида фармойиш чиқарди. И. Юнусов қонунда белгиланганидан 3 гектар кам бўлса ҳам харна, бориға шўқур деди.

Лекин «Ишонч» ширкат ҳўжалиги раиси К. Тўйчиев фармойишни бажаришга — ер ажратилса шўшиллади. «Бунча қўсталан қўласиз, ўйлаб кўрайлик», — деди у. И. Юнусовнинг ҳақли талабига эътиборсизлик билан қараб.

Хуллас, К. Тўйчиев роса юз кун ўйлади, лекин ўйининг поёнига етолмади. Бу орада фермер ҳўжалиги раҳбари ҳокимият билан ширкат ҳўжалиги идораси ўртасида бўзчининг моқсидек қатъийвериб ҳолдан тойд. Охири пичоқ бориб сўякка тақалган про-

куратурага ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлди.

«Юнусов И» фермер ҳўжалиги раҳбари Иномжон ака Юнусовнинг аризаси юзасидан текиририш ўтказилганда ҳақиқатдан ҳам қонунбузарликка йўл қўйилганлиги маълум бўлди, — деди туман прокурори Абдумажид Маматов. — Чунки Ўзбекистон Республикаси «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида қорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер ҳўжалиги ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами шартли бош қорва молга ҳисоблаганда 0,3 гектарни ташкил этиш кераклиги кўрсатилган. Шунга асосан «Ишонч» ширкат ҳўжалиги раиси Х. Тўйчиев номига амрнома киритиб, «Юнусов И» фермер ҳўжалиги иштиёридаги 39,8 шартли бош қорва ҳайвонлари учун эздик билан белгиланган микдорда ер майдонлари ажратиб бериш талаб қилинди.

Ва ниҳоят фермерга 6,94 гектар ер берилди.


Шу ўринда беихтиёр ҳақли бир савол туғилди. Нима учун туман ва ширкат ҳўжалиги раҳбарлари яқини ният билан фермер бўлган бир инсоннинг ҳақли талабига қўлоқ солмай, яқин бир йил сарсон қилишди. Иномжон акага ўхшаган жабрдийда туманда фақат биттами?

Абсуски, баъзи мутасадди раҳбарларнинг қонунбузарликларида азият чекаётган ёлғиз Юнусов эмас, — деди туман прокурори Фикриязини ўққандек. — Санам қўшлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Эски Шилдор қўшлоғида яшовчи Саодатхон Рўзиматова ҳам прокуратурага ариза билан мурожаат қилган эди. Унда ёзилишича, турмуш ўртоғи Э. Эркаев раҳбарлигида деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган «Элёржон» фермер ҳўжалигини ташкил қилиш тўғрисида туман ҳокимининг қарори чиққан. Лекин «Ишонч» ширкат ҳўжалиги раҳбарияти уларга тегишли бўлган ерни бошқа бировага шартнома асосида тарғув ва макка экиш учун бериб юборган. Ўтказилган текиририш давомида аризада келтирилган фактлар тўлиқ тасдиқини топди. Прокуратуранинг аралашувидан кейин «Элёржон» фермер ҳўжалигига 10 гектар ер майдони ажратиб берилди. Қонунбузарликка йўл қўйган мутасаддиларга интизомий қорва қўрилди.

Мен прокурор ҳузуридан чиққан ўйлаб қолдим, тўғри халқимиз ориятли, то сабр қосаси тўлиб жонидан ўтмагўча «ке, қўй, бир жойданмиз, кўз-кўзига тушиб туради» дея юқори идораларга шикоят қилиб боригани андиша қилади. Лекин шу ўринда вилоят прокурори, адлия қатта маслаҳатчиси Юнус Абдукаримовнинг «Қонун ҳўмасида» журналида эълон қилинган «Давоғарлик ҳисси» ҳар бир фуқарода шакланмас экан, ҳуқуқий давлат қўриб бўлмайди» сарлавҳали мақоласидаги қўйидаги сатрларни яна бир эслашиб ўтмоқчимиз.

«Фуқаролар қонунларга онгли муносабатда бўлмас экан, улар ижро қилинмайди жамият тараққиётига туртки бериш ўрнига ғов бўлиб қолаверади. Қонунларга онгли муносабатнинг фаол қўрилиши эса айнан ҳар бир фуқарода тараққий этган давлатгарлик ҳиссидан иборат. Ҳуқуқ тартибот идоралари ҳўдмиллари ана шу ҳис-тўғйини йўғотишга ўз таъсирларини ўтказишлари зарур».

Носир ЗОХИДОВ, «Адолат»нинг ўз муҳбири.



— Ҳа, отанга балли! Кўтариб, ур! Балли, азамат!

Учрашув

«СЕТОРА»

Бугунги кунда жуда кўп ёшларнинг, ҳатто катталарнинг ҳам сеvimли гуруҳига айланган «Сетора» ташкил топганига яқинда 3 йил тўлди. Бу гуруҳ 1998 йил 1 мартдан ўз фаолиятини бошлаган. Унинг аъзолари Комила, Лайло, Феруза-лар Тошкент шаҳрида туғилиб, бир маҳаллада ушиб-улғайишган. Шўх-шодон қизлар болаликдан машҳур бўлишни орзу қилишарди. Улар ўрта мактабда ўқиш билан бирга мусиқа мактабидида таҳсил олишди. Ҳозирда Тошкент Давлат консерваториясида ўқишмоқда.

студияларида қатор клиплар суратга олинди. Натижада «Қора» деб номланган учинчи альбом дунёга келди.

Гуруҳ аъзолари сеvimли қўшиқларининг яратилишига муносиб ҳисса қўшган бастакорлар Руслан Шарипов, Артур Бадой, қўшиқчи шoirлар Иброҳим Жиянов, Шаҳноза Саидхосимова ва Борис Тошҳўжаевлардан жуда миннатдор.



«Сетора» сўзи тожик ва форс тилларида «уч тор» ҳама «олдуз» маъноларини англатади. Гуруҳ «Тарона рекорд» овоз ёзиш студияси билан доимий ижодий ҳамкорликда ишлайди. Гуруҳнинг «Оҳим» деб номланган биринчи альбомини ҳам айни мана шу студия томонидан эзилган. Илк бор альбом чиққанидан сўнг «Сетора» мамлакат бўйлаб ижодий сафарда бўлиб, 46 та концерт берди. 2000 йил февраль ойида

гуруҳнинг иккинчи альбоми чиқди. Истеъдодли ижодкор Дмитрий Коробкин режиссёрлигида яратилган «Сен борсан» қўшиқ-клипи қатта шўрат келтирди. Утган йили 25 мартда бўлиб ўтган «Тарона 2000» тақдирлаш маросимида «Сетора» йилнинг энг яхши гуруҳи, «Сен борсан» қўшиғи йилнинг энг яхши қўшиғи, мазкур қўшиқ клип эса йилнинг энг яхши клипи деб эътироф этилди.

2000 йил гуруҳ фаолияти учун гоёт самарали бўлди. Д. Коробкин билан ҳамкорлик натижасида «ALEX» BA «BYS»

Комила ноёб соатлар ва кўзойнақларга ишқибоз, Лайло тилла тақинчоқларни яқини кўради, Феруза эса ошмоқ қўғирчоқлар шайдо-си.

Ҳозирча Феруза оилали. Утган йили сентябрь ойида турмуш қурган. Турмуш ўртоғи Ражаб бизнес билан шўғулланади. Хотинининг ашула айтишига қаршилик қилмайди, аксинча, уни қўллаб-қувватлаб туради.

Гуруҳнинг ижодий режалари эса жуда катта.

Ҳақим ЁҚУБ.

Бу — сирли олам...

ОЧЛИК — УЗОҚ УМР-МИ?

Ҳиндистоннинг тоғли туманларидан бирида Хунзар деб номланадиган элат яшайди. Уларнинг ўртача умр кўриши 100 ёшга яқин, кўпчилиги эса 120 ёшга етади.

Бу элат аёлларининг 50 ёшлиси ҳам сарвқомат бўлади. Хунзарлардан бирортаси тиш огриғи ёки ошқозон бўзилиши каби хасталикларни нима эканлигини билишмайди. Сабаби, оддий Хунзарлар баҳор тошқинлари бошлангач, уч ой давомида ҳар қуни мевалардан тайёрланган шербатдан бир пиёладан ичишади, холос.

Мутахассисларнинг тажрибаларига қараганда, инсон ўз оғирлигининг 40-45 фоизини оч қолиш орқали йўқотганида ҳам танада салбий жараён бошланмаган. Худди бўрилар тўдадаги энг нимжон, чўпоқ ҳайвонларга ёпишгани чингари, очлик танадаги ортиқча шишларни, зарарланган узвларни «ёб қўярган». Бу эса аутолиз, яъни тананинг ўз-ўзини тозалаш, янгилаши жараёнидир. Оч қолган одамларда хотира яхшиланади, тери тиниклашгани ва фикрлаш фаоллашгани исботланган.

— Ё, таваб!

ҚўШАЛОҚ ЧАҚАЛОҚ

Техронда истиқомат қилувчи 28 ёшли аёл қўзи ёриганда, унинг чақалоғи икки бошли бўлиб дунёга келди. Текшириб кўрилганда, болада икки аъзоларнинг ҳаммаси иккитадан, қизиги улар бир томонда жойлашган. Шифокорларнинг айтишича, агар битта бош йиғласа, иккинчиси тинчгина ўхлайвераркан.

Гўдак туғилмасдан илгарироқ она текширилганда рентген аппарати ҳомилада иккита бош борлигини кўрсатган, бироқ шифокорлар уларни эгизаклар боши деб ўлашган. Бу антиқа чақалоқ эндиликда қўллаб мутахассисларни қизиқтириб қўйди. Уларнинг таъкидлашича, болакай узоқ вақт яшаши мумкин.

— Йў-е!

«МУРДА»ЛАР ТИРИЛАДИ-МИ?

Бразилиянинг Баури қишлоғида кўз қўриб, қўлоқ эшитмаган воқеа юз берди. Бир кун янавал дафн қилинган Арлолду Феррейра ҳеч нарса бўлмаганидек қишлоқ қўчасидан кетиб борар эди. Тирик мурдан кўрган қишлоқдоши анча вақт ўзига келолмай қолди, сўнгра қариндошуруғларига хабар қилиш учун югурди.

Бироздан кейин уни маҳаллий барларнинг бирида маст ҳолда қўришди. Одамлар етиб келгач, гап нимадалигини билган Арлолду аввалига жанжал бошламоқчи бўлди, сўнгра ўзининг руҳи хурмати «юзта-юзта отишни» таклиф қилди.

Арлолдунинг «ўлими» аслида қўйидагича бўлган эди. У икки ҳафта илгари қўшни қишлоққа меҳмонга кетган вақтда ҳамқўшлоқлари қишлоқ чеккасидан бир жасадни топган. Жасад кимники экани аниқланмагач, у Арлолдуники, деб таҳмин қилинди ва қайғу билан дафн этилди.

Тирилган мурданнинг ҳақиқий ташвиши шундан бошланди. Биринчидан, у хешларидан аввал ўзининг ўлганлиги ҳақида берган қўрсатмаларини қайтариб олиш учун ариза йиғиши лозим. Иккинчидан, собиқ «марҳум» маҳаллий ҳокимият томонидан унинг ўлганлиги ҳақида берилган гувоҳномани бекор қилдириши керак. Ҳаммасидан ҳам Арлолду Феррейрага аман қиладиган томони шунки, дафн маросимига унинг анчадан буён йиғиб келаятган пулини сарфлаб юборишган.

— Во, ажаб!

ТИРИЛГАН БОЛА

Канадалик 13 яшар қизча тунда ухлаб ётган жойидан турди-да, кўчага чиқиб кетди. Босин-қираганини 6 шунақа одати бормиди, бўёғи бизга қоронғу. Уни ҳеч ким кўрмади.

Ойлиси қизи йўқлигини билиб, уни қидириб чиққанида васт ўтиб бўлганди. Ташқаридида 24 даражаси совуқ, қор «ўз ишини қилганди». У қизчасини қор ўсири устидан топди, бу пайтда қизалоқ музлаб қолган, юраги уришдан тўхтаганди.

Бирок... Шифохонада дўхтирлар уни «эритишганида» яна нафас ола бошлади. Канадалик врачлар бу гайритабиий ҳодисадан хайратда қолдилар. Ҳозир ҳеч ким бу воқеага изоҳ бера олмапти.

— Ие, наҳотки!

МАРСДА... ҲАЁТ БЎЛГАН

Марс сайбрасидан тушган метеоритни ўрганаётган олимлар ундан ичиди қачонлардир бакте-рилар бўлган ва шу ҳолатда қолган магнитланган кристалларни топишди. Шунча бакте-рилар ерда ҳам бор.

Америкалик олимлар ер бакте-риаси магнит кристаллари занжирчасини ўрганиб чиқиб, унинг Марсдан келтирилгани билан бир хилда эканлигини, бироқ «ти-рик» эмаслигини аниқлашди. Демак, Марсда қачон-лардир ҳаёт бўлган экан.

ҚУТЛОВ

Ҳурматли Аскар ЖАЛИЛОВ!

Сизни туғилган кунингиз, яъни 55 баҳорингиз билан муборакбод атамиз. Кўп йиллик меҳнат фаолиятингиз да-вомида қўччиликка манзур мақола ва публицистик материалларингиз билан тилга тушиб, эзку ўқувчиларнинг му-носиб ҳақосини олиб келаятганин-гиздан мамнунийимиз. Бундан ҳам юксак муваффақият-ларга эришишингизга тилақдошимиз. Узоқ умр, сийхат саломатлик ва бахт саодат қамаша сизга ёр бўлсин.

ҲАМКАСБЛАРИНГИЗ.



Узоқ тоғли қишлоқда: йўл бўйсини почтачон ўғлим! — Икки ойлик газета, журнал ва хатлар йиғилиб қолган экан, шунини қишлоққа тарқатгани кетаямкан, отахон.

А. ҲАКИМОВ чизган сурат.

МЕТРО УЧУН ВАГОНЛАР

Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллиги ара-фасида Тошкент метрополитенининг Юнусовод йўналишини фойдаланишга топшириш кўзда ту-тиляётган. Қўтлуг сана муносабати билан Ўзбе-кистон ҳукумати Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2001 йилда метро учун 20 та вагон ва уларга эҳтиёт қисмлар харид қилиш тўғрисидаги та-лифини қабул қилди.

«Тошшаҳарйўловчиган» давлат уюшмаси метрога 20 та вагон ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш борасида Россиянинг «Метровагон-маш» ёпиқ акциядорлик жа-мийати билан 10 миллион 788 минг долларлик битим тузди. Вагонларни етказиб бериш 2001 йилнинг май-ойи ойларида амалга оши-рилади. Тўлов эса 2003 йилнинг апрел ойига қадар амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан пойтахт молиялаштириш республи-ка пойтахт ҳокимлигига юклатилди. Тузилган битим бўйича «Тошшаҳарйўловчи-ган» томонидан келтири-лаётган вагонлар ҳамда эҳтиёт қисмлар боғжона тўловларидан содот этилади. «Тошшаҳарйўловчиган»

уюшмасидан «Туркистон-пресс» муҳбирига маълум қилишларига қараганда Юнусовод йўналиши қури-лишининг биринчи навбати-ни нийосига етказиш учун 11,5 миллиард сўм маблағ ажратилди. Қўтлуг байрам арафасида тошкентликлар-га олтига ер ости бекатла-ри ва икки йўналишли 7 ки-лометрлик йўл совға қили-нади. Айни пайтда бекат-ларни пардозлаш, ҳўжалик эҳтиёжлари учун хоналарни қуриш ишлари тезкор сўрь-атларда олиб бориляётган. Бир пайтининг ўзида метро-нинг янги йўналишида иш-лаш учун машинистлар, бе-кат навбатчилари, эскало-тор операторлари, кассир ва инспекторлар тайёр-ланаяпти.

Чукоткалик лотереяга «Жигули» машинасини ютиб олди. Ўз ўртига борганида қариндошлари ютқини томоша қилгани келишди. Улардан бири машина чироқларини қўриб деди:

— Кўзлари катта экан, — яна бири машина томини силаб қўриб: — Териси ҳам мустаҳкам экан, — деди.

Учинчиси эса автомобил орқасидан тутун чиқарувчи трубасини қўриб деди:

— Эркак экан!

Судда гувоҳдан сўра-шяпти:

— Ёшингиз нечада?

— Ҳисоблаш керак. Мен эрга текканимда ёшим 20 да, эримники эса 40 да эди, яъни ундан икки ба-рорбар ёш эдим. Ҳозир эрим 70 да, демак ёшим 35 да.

Миллионер катта йўлда «Жигули»сини ниҳоятда кат-та тезликда ҳайдаб кетаёт-ган ҳарбий хизматчини тўхтатди.

— Ута тез юрдимми? — сўради ҳайдовчи.

Чукоткалик ўғли билан доктор ҳузурида:

— Менинг ўғлим сўт,

— Ёйқ, жаноб капитан. Жуда паст учдингиз...

Учувчининг хотини қўшиқсиз айтяпти:

— Коча эрим мушугимиз-ни ўзи билан олиб кетди. У уч минг метр баландликдан ташласа ҳам тўртта оёғи билан тушишини синаб кўрмоқчи.

— Ҳўш, тажриба қандай ўтди?

— Ҳозирча билмадим. Мушугимиз уйга қайтиб келди, аммо эримдан икки кундан буён дарак йўқ.

Лойга беланиб ерда ётган мастнинг ёнидан бир аёл ўтиб кетяпти. — Ўзинг чўчка! — ку-тилмаганда ҳалиги маст дўк қилди.

Аёл: — Мен сизга ҳеч нарса де-ганим йўқ-ку?

Маст: — Гапирмасанг ҳам ичинг-да ўйлагандинг-ку!

Чукоткалик ўғли билан доктор ҳузурида:

— Менинг ўғлим сўт,

— Ёйқ, жаноб капитан. Жуда паст учдингиз...

Учувчининг хотини қўшиқсиз айтяпти:

— Коча эрим мушугимиз-ни ўзи билан олиб кетди. У уч минг метр баландликдан ташласа ҳам тўртта оёғи билан тушишини синаб кўрмоқчи.

— Ҳўш, тажриба қандай ўтди?

— Ҳозирча билмадим. Мушугимиз уйга қайтиб келди, аммо эримдан икки кундан буён дарак йўқ.

Лойга беланиб ерда ётган мастнинг ёнидан бир аёл ўтиб кетяпти. — Ўзинг чўчка! — ку-тилмаганда ҳалиги маст дўк қилди.

Аёл: — Мен сизга ҳеч нарса де-ганим йўқ-ку?

Маст: — Гапирмасанг ҳам ичинг-да ўйлагандинг-ку!

Чукоткалик ўғли билан доктор ҳузурида:

— Менинг ўғлим сўт,

— Ёйқ, жаноб капитан. Жуда паст учдингиз...

Чукоткалик лотереяга «Жигули» машинасини ютиб олди. Ўз ўртига борганида қариндошлари ютқини томоша қилгани келишди. Улардан бири машина чироқларини қўриб деди:

— Кўзлари катта экан, — яна бири машина томини силаб қўриб: — Териси ҳам мустаҳкам экан, — деди.

Учинчиси эса автомобил орқасидан тутун чиқарувчи трубасини қўриб деди:

— Эркак экан!

Судда гувоҳдан сўра-шяпти:

— Ёшингиз нечада?

— Ҳисоблаш керак. Мен эрга текканимда ёшим 20 да, эримники эса 40 да эди, яъни ундан икки ба-рорбар ёш эдим. Ҳозир эрим 70 да, демак ёшим 35 да.

Миллионер катта йўлда «Жигули»сини ниҳоятда кат-та тезликда ҳайдаб кетаёт-ган ҳарбий хизматчини тўхтатди.

— Ута тез юрдимми? — сўради ҳайдовчи.

Чукоткалик ўғли билан доктор ҳузурида:

— М